



дастлабки луғатларда фақатгина шеърятда қўлланган сўзларга изоҳ берилган. Масалан, XVI асрга оид “*Mufid-ul fuzalo*” ва “*Kashf-ul-lug‘ot*” луғатларида турли соҳаларга оид атамалар келтирилган бўлиб, улар “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” тузилгунга қадар ярим қомусий ҳисобланган. “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” да ундан олдин тузилган луғатларда келтирилган барча маълумотлар ҳам жамлангани сабабли, унинг тузилиши билан дастлабки луғатлар маълум даражада ўз долзарблигини йўқотди.

“*G‘iyos-ul-lug‘ot*” нинг ҳажми у даражада катта бўлмагани сабабли ундан фойдаланиш қулайдир. Унда турли соҳаларга оид атамалар келтирилган бўлиб, ундаги сўзлар тартиби мураккаб эмас, чунки биринчи, иккинчи ва охири ҳарфлар эътиборга олинади. “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” Ўрта Осиё худудида катта

нуфузга эга бўлган. Даврлар ўтиб мукаммал ва батафсил қомуслар яратишда асос вазифасини бажарган ярим қомусий луғатлар тузилгандан сўнг “*G‘iyos-ul-lug‘ot*” нинг оммабоплиги бироз камайди.

Юқорида санаб ўтилган луғатлар қаторида Ҳиндистонда форс-тожик лексикографиясининг охириги ютуғи ҳисобланган Хайдарободда (1928–1939) нашр этилган Муҳаммад Али Даулат Ислоннинг 5 жилдлик “*Farhang-i nizom*” луғатини ҳам келтириб ўтиш лозим.

Шундай қилиб, мумтоз луғатлар аста-секин форс-тожик тили тарқалган барча ҳудудларни қамраб олган. Ва шак-шубҳасиз юқорида санаб ўтилган луғатлар кейинги давр замонавий луғатлар тузилишига асос вазифасини ўтайди десак, муболаға бўлмайди.



ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТЛАРИДА ҲАЙВОН РАМЗЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

КЕБАЙТУЛИ ГУЛИБАНУМУ

Мустақил тадқиқотчи, ЎЗМУ

Аннотация. Ушбу мақолада хитой ва ўзбек лингвомаданиятларидаги от, йўлбарс, тулки, қуён, тошбақа ва аждаҳ сингари ҳайвонларнинг рамзий маънолари, уларнинг ташқи дунёни акс эттиришидаги ўзига хос аҳамияти ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: рамз, маъно, тафаккур, маданият, дунёқараш, менталитет, мулоқот, мифология.

Аннотация. В данной статье освещены символические значения таких животных, как лошадь, тигр, лиса, заяц, черепаха и дракон, в китайской и узбекской лингвокультуре, а также отмечено их особое значение в отражении внешнего мира.

Опорные слова и выражения: символ, значение, мышление, культура, мировоззрение, менталитет, коммуникация, мифология.

Abstract. This paper discusses symbolical significance of such animals as horse, tiger, fox, hare, turtle and dragon, in Chinese and Uzbek lingvo-culture, as well as observes their emphasis in image of outward.

Keywords and expressions: symbol, significance, thinking, culture, outlook, outward, mentality, communications, mythology.

Инсон моддий муҳитдан ташқари, рамзий оламда ҳам яшайди. Инсон ўз тарихининг илк давларида маънолар дунёсида яшаган, дунёни рамзлар орқали қабул қилган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Шунга кўра, “инсон тилини тўла маънода рамзлар ти-

ли дейиш мумкин”. Рамзлар ўз-ўзидан шаклланмаган, улар инсоннинг билиш маҳсули сифатида вужудга келган¹.

¹ Усманова Ш. Лингвокултурология фанидан маърузалар курси. – Т.: Университет, 2014. 70-б.



Рамз – ташки дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги аксидир. Ҳар бир инсонда, ҳар қандай маданият вакилида ички дунёни ўзига хос қабул қилувчи “туғма механизм” мавжуд бўлади. Бу “туғма механизм” ташки дунёни рамзлар, тимсоллар орқали “қайта ишлаб” қабул қилишга мослашгандир.

Ижтимоий мулоқот тизимида муайян объектлар, масалан, предмет, ҳаракат, ҳодиса, матн, тасвир, ҳайвон, ўсимлик, ранг, рақам ва ҳ.к.лар рамз бўлиб хизмат қилади. Рамзлар моддий (буюм, предмет), тушунчавий, сўзли, тасвирий ва овозли бўлиши мумкин.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятларидаги рамзларни қиёслаш натижаси мазкур маданиятларда ҳайвон ва жонивор тимсолларининг кенг тарқалганлигини кўрсатди. Айниқса, от кенг тарқалган тимсоллардан биридир. Туркий халқлар ва Хитой маданиятида от катта аҳамиятга эга бўлган севимли жонивор ҳисобланади.

От – кучли, сабр-чидамли, кўркам, покиза, зийрак, хушёр, бирор нарсани дарҳол пайқаш, кўриш, хид билиш, товушни, ҳатто билинар-билинемас шарпани эшитиш, сезиш қобилиятига эга бўлган ҳайвондир. Бу фазилатларидан ташқари от инсоннинг содиқ дўсти, вафодори, оғир ишларда мададкори, сафарларда ҳамроҳи, жангу жадалда, бошқа хавф-хатарли ҳолатларда кўпинча кишини ўлим-йитимдан сақлаб қолувчи ажойиб жонивордир¹.

Хитой мифологиясида от само, олов, жануб, шунингдек, мучаллардан бирини тимсоллайди. Хитой тилида “от” тушунчаси 马 иероглифи билан ифодаланади. Қадимий Хитойдаги жанглари отсиз тасаввур қилиб бўлмаган. Шунинг учун ҳам хитой тилининг ҳарбий лексикасида от иероглифи билан ясалган кўплаб ибораларни учратиш мумкин: 兵强马壮 (кучли жангчи ва бақувват отлар: “кучли армия”), 千军万马 (мингларча жангчилар ва ўн мингларча отлар: “қудратли қуроли кучлар”), 一马当先 (уюрни эргаштириб боровчи от: “олдинга отилиб чиқмоқ”), 单枪匹马 (бир найза билан

бир отда: “ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ёлғиз”), 招兵买马 (аскарларни чақириш ва отларни сотиб олиш: “ҳамкорларни йиғмоқ”), 马到成功 (тезда муваффақиятга эришмоқ), 马革裹尸 (жасади от терисида дафн этилди: “жанг майдонида мардларча ҳалок бўлди”) ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир.

Отнинг чопқирлик хусусияти билан боғлиқ ибораларнинг ҳам кенг тарқалганини кузатиш мумкин: 快马加鞭 (йўртоқи отни қамчиламоқ: “жон борида чопмоқ”), 天马行空 (учқур от самода елдек учиб бормоқ: “фикр-хаёл парвози, фикр-хаёл учқурлиги”).

Отдаги кучлилиқ, сабр-чидамлилиқ фазилатлари қуйидаги мақолларда ўз аксини топган: 路遥知马力, 日久见人心 (От сафарда билинар, ёт – еярда), 马不停蹄 (тинимсиз, бир дақиқа ҳам тўхтамасдан).

“От туркий қабилаларда тотем жониворлардан бири бўлиб, эзгулик руҳи сифатида шомонга ёвуз руҳ устидан ғалаба қилишда ёрдам беради. Шомонларнинг ҳассалари кўпинча от рамзини ифодалайди ва ўзбек халқида ҳозиргача отнинг деви бор деган инончлар сақланиб қолган”. Фарғона, Қўқон, Самарқанд ва Ўратепада девни от қиёфасида тасаввур қилинади. Ўзбек халқ эртаклари ва достонларида “от қаҳрамоннинг садоқатли йўлдоши, ҳамроҳи, ёрдамчиси, баъзан ўринбосари сифатида учрайди. Алпомишни Бойчибор, Гўрўғлини Ғиротсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Пахлавон Рустам” эртагида от Рустамни ҳамиша фалокатлардан асрайди. “Маликаи айёр” достонида от қаҳрамоннинг саргузашти ва қаҳрамонликларига тенг шерик. Эртак ва достонларда девлар ҳам баъзан от кўринишида келади ёхуд бир юмалаб отга айланади. Бир афсонага кўра, отлар тангрилар билар аждарҳолардан тарқалган. Шу сабабли халқ оғзаки ижодида қанотли отлар кўп учрайди”². Ўзбек инончларига кўра, ўлими яқинлашган ёки ўлим хавфи туғилган кишининг тушига от кириб, ўлимдан дарак беради.

Хитой лингвомаданиятида кенг тарқалган тимсоллардан бири аждардир. Аждар

¹ Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: ЎМЭ, 2001. 263-б.

² Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1999. 68–69-б.



хаёлий, мифологик хайвон бўлса-да, Хитой миллий маданиятида муҳим аҳамият касб этади. Хитойда аждар 8000 йил аввал пайдо бўлган, деган қарашлар мавжуд. Қадимда Хуахиа қабиласи Хуангхе дарёси бўйида яшаётган илонни тотем қилиб олган. Бошқа қабилаларни енгиб, уларни бирлаштирган ва кучли қабилани ташкил қилган. Бунинг натижасида илон тотеми билан бошқа қабилаларнинг тотеми бирлашиб “аждар” тотемини юзага келтирган.

Аждар тимсоли қадимги деҳқончиликда ҳам катта роль ўйнаган. Маълумки, деҳқончиликда ёмғир муҳим аҳамиятга эга. Қурғокчилик ёки Хуангхе дарёсидан сув тошиши деҳқончиликка катта зарар етказар эди. Ана шундай оғир пайтларда халқ осмонда учиб барча нарсани кўрадиган, ёмғир ёғдирадиган ёки тошқинни назорат қила оладиган кучни орзу қилиб, буни “аждар” тимсолида кўрган. Шунга кўра, Хитойда аждар рамзи ёмғир, шамол, момақалдиروқни тамсил этади.

Хитойликлар ўзларини “龙的传人” – аждарнинг авлоди, деб ҳисоблайдилар. Шанг сулоласи даврида аждарга яхшилик, куч-қудрат ва бахт рамзи сифатида қаралган. Кейинчалик аждар императорнинг “куч-қудрати” тимсолига айланган. Шунинг учун ҳам қадимги императорларни “真龙天子” (аждарнинг ўғли), деб аташган. Хитой халқининг “аждар” иероглифи “龙”ни ёқтириши ҳам бежиз эмас.

Хитой халқининг ўзига хос тафаккур тарзини ифодалашда “аждар” компоненти билан ясалган ўхшатиш эталонларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Халқ орасида кизгин одамларга нисбатан “龙腾虎跃” (аждардай учадиган, йўлбарсдек ташланади), чакқон, серғайрат, серҳаракат одамларга нисбатан “生龙活虎” (аждардай жонли, йўлбарсдай жонли) иборалари қўлланилади. Шунингдек, аждар тимсоли ота-оналарнинг фарзанд камолини кўришдек орзу-умидларини ҳам ифодалашга хизмат қилади: “望子成龙”.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам аждарга куч-қудрат тимсоли сифатида қаралган. Қахрамон-

лик эпосларида алпларнинг аждархога қиёсланиши ҳақида В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар қуйидаги мисолни келтиришади:

“Қоражон Алпомишни аждархога ўхшатади. Гўрўғлининг 40 йигити дostonларда “Чамбилнинг қирқ аждарҳоси” ёки “унинг қабатида 40 йигит, 40 аждахоси бор” деб келади. Ҳасан душманларига “аждар бўлиб, дамига барисини тортсам деб” келади¹.

Алплар билан бир қаторда шох, ялмоғиз кампирлар ҳам аждарга қиёсланади. Бу ерда биринчидан, алплар илоҳийлаштирилса, иккинчидан аждар, дев хусусиятлари алпларга кўчирилади².

Айрим ўзбек халқ эртакларида аждар – ёвуз, йиртқич рух тимсоли сифатида гавдаланади. Масалан, “Паҳлавон Рустам” эртагида икки аканинг аждарни кўриб қочиши тасвирланган. Шунингдек, аждарҳолар қизларни ўғирлаб кетувчи ёвуз куч сифатида ҳам тасаввур қилинади. В. Й. Проппнинг таъкидлашича, аждарҳонинг қиз ўғирлаши қадимда арвоҳларнинг жонни ўғирлаши ҳақидаги тушунчаларни ифодалайди. Аждар кўпчилик халқларнинг тасаввурида жон олувчи ва ўғирловчи махлуқ сифатида тасвирланган.

Қадимги туркий халқлар шомончилигида аждар – Бўрон, Қуюн тимсоли саналган. Булут, яшин каби табиат стихиялари яхлит ҳолда Аждархо – Тангри сифатида тушунилган.

Хитой ва ўзбек маданиятларида йўлбарсга бир томондан хайвонлар подшоси, шижоат, қудрат ва мардлик тимсоли сифатида қаралса, иккинчи томондан унга ваҳший хайвон сифатида қаралади. Хитой лингво-маданиятида ботир, довюрак ва мард жангчилар, баҳодирлар йўлбарсга қиёсланилиб, уларга нисбатан “虎” иероглифи билан ясалган “虎将” (ботир саркарда), “将门虎子” (об-рўли оиладан чиққан қобилиятли ўғил) иборалари қўлланилади.

¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С. 308.

² Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1999. 61–62-б.



Йўлбарс тасвири туширилган жангчиларнинг қалпоқ ва қуроллари ҳам йўлбарс рамзининг хитойликлар ҳаётида катта роль ўйнаганини кўрсатади. Бугунги кунда ҳам хитойлик болаларнинг бош кийимлари, пойабзаллари ва ўйинчоқларида йўлбарс тасвири учратиш мумкин.

Йўлбарсдаги шижоат, қудрат ва мардлик каби фазилатлар ўзбек халқ оғзаки ижодида, адабиётида ҳам ўз аксини топган: ...Гўрўглибек рози бўлиб, урушга *йўлбарсдай талтинди* (Гулнор пари); Ҳа, *йўлбарсдай кучли*, вазмин йигит. Тегмаганга тегмайди (М. Қorieв. Спитамен).

Йўлбарсдаги ваҳшийлик хусусияти ҳам қатор ибораларда ўз аксини топган: “虎视眈眈” (йўлбарсдай қарамоқ: “ёб юборгудек қарамоқ”), “虎口余生” (йўлбарснинг оғзидан қутулиб чиқмоқ: “муқаррар ҳалокатдан қутулиб қолмоқ”), “狐假虎威” (тулки йўлбарснинг қудратидан фойдаланади: “биронинг обрў-эътиборидан фойдаланмоқ”), “放虎归山” (йўлбарсни тоққа қўйиб юбормоқ: “бадқирдорни озодликка чиқармоқ”), “伴君如伴虎” (подшога яқин, йўлбарсга яқин: “ҳукмдорнинг марҳамати қутилмаганда ғазабга айланиши мумкин”).

Ўзбек халқ эртақларида йўлбарс рамзидан девларни ифодалашда фойдаланилади. “Бу рамзда бир томондан, унинг йиртқичлигига ишора бўлса, бошқа томондан, йўлбарс турк асотирларида тоғ ва ғорнинг руҳи сифатида талқин этилади”.

Туркий халқларнинг эпосларида ҳам йўлбарс куч-қудратни ифодалайди. “Йўлбарс юрагини еган Манаснинг онаси тушида олма кўради. Бу тотемистик инонч маҳсули бўлиб, қаҳрамон туғилмасиданоқ тангрилар уни ўз ҳомийлигига олади, Манаснинг илоҳий куч-қудратга эга бўлиши аввалдан асосланади”¹.

Тулки – аксарият маданиятларда айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик тимсоли сифатида талқин қилинади. Хитой ва ўзбек маданиятларида ҳам шундай. Лекин хитойликларнинг қадимий тасаввурларида тулки жодугар ҳисобланган. Тулки эллик ёшида аёлга, юз ёшида ёш қизга айланади. Минг йил яшаган тулкида тўққизта дум пайдо бўлади ва у Самовий Тулки тен-ху)га айланади. Самовий Тулки нафақат аёл қиёфасига, балки эркак қиёфасига ҳам кира олади². Шунинг учун халқ орасида “狐仙” ёки “狐狸” (тулки – афсун билан бошқа тусга кира олади) ибораси кенг тарқалган.

Айрим манбаларда тулки салбий образ сифатида талқин қилинса, баъзи манбаларда у ижобий образ сифатида намоён бўлади. Жумладан, минг сулоласи давридаги “封神演义” (Фенг шен ян йи) асарида тулки Сухунинг қизи Данжининг баданига кириб, император “Зхоу ванг”ни алдаб, кўп ёмонликлар қилади ва одамларнинг қарғишига учрайди. Лекин чинг сулоласи давридаги Пу Сунг Лингнинг “Тулки афсунлари” тўплами новеллаларидаги сеҳргарларни тасвирлашда ёзувчининг уларга хайрихоҳлиги кўриниб туради. Тулки-қиз образи бунга мисол бўла олади. Бироқ биз бу ўринда тулकिга айланган аёлни эмас, балки аёлга айланган тулкини кўрамыз³. У ақлли, севимли, содда образ сифатида тасвирланган. Айтилганлар билан бирга, Хитойда тулки узоқ умрни ҳам тимсоллайди.

Куён – хитой маданиятида кўнгилчан, хайрли, ақлли ҳайвон ҳисобланади. Хитойда куён ҳақида қуйидаги ривоят кенг тарқалган: “Қадимда, Будда бир кампир сиймосига кириб, ер юзига келибди. У тулки, маймун ва куённи кўриб, уларга қорни жуда очганлигини айтибди. Бир оздан сўнг тулки битта балиқ тутиб келибди, маймун ширин мева-

¹ Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. 60, 69-б.

² Усманова Ш. Лингвокултурология фанидан маърузалар курси. – Т.: Университет, 2014. 73-б.

³ Зиямухамедов Ж. Ўрта аср Хитой новеллалари. – Т.: ТошДШИ, 2010. 90–91-б.



лар олиб келибди. Фақат куён куруқ қўл билан қайтиб, индамай турибди. Будда куёндан: “Нега ҳеч нарса олиб келмадинг, ўзингнинг нарсангни кўзинг қиймабди-да”, дебди. Куён эса ҳеч нарса демабди ва ўтин олиб келиб ўт қалабди-да: “Менинг балиқ, меваларни олиб келадиган қобилятим йўқ, ўзимни сизга атадим, кичик бўлсам ҳам сизга бир марталик овқат бўлай”, деб ўзини оловга отибди... Будда ўзининг ҳазил гапига жуда афсусланиб, куённинг жасадини йиғиб олиб: “Куённинг оқ кўнгиллиги мени жуда таъсирлантирди. Мен уни унутмаслик, хотирасини абадийлаштириш учун уни ойга жўнатаман. У ўша ердан бутун оламини бошқарсин”, дебди. Шундан кейин ой ўртасида бир яшмадан яратилган куён пайдо бўлибди. Халқ бу куённи жуда севиб, ойни ҳам яшмадан яратилган куён, деб атай бошлабди”. Шу сабабли, хитойликларда ойга сажда қилиш одати бор. Улар ойга сажда қилганда столга куён шаклидаги ҳайкалча қўядилар. Шунингдек, Хитойда куён жуда ақлли ҳайвон ҳисобланади. Бинобарин, “狡兔三窟” (айёр куённинг учта ини бўлади) ибораси “жангларда куёндай ақлли бўлиш керак” деган маънони билдиради. Куён тез суръатда югургани учун “动如脱兔” (куёндек қочмоқ) ибораси ҳам қўлланилади.

Тошбақа – қадимий Хитойда тўрт сеҳрли ҳайвондан бири саналади. У узун умрни тимсоллайди. Шу билан бирга, тошбақага ишнинг яхши ёки ёмон томонга юришини кўрсатадиган жонивор деб қаралади. Ҳозирги кунга келиб тошбақа айрим дарё бўйида яшайдиган халқлар қаторида хитойликлар-

нинг ҳам “дастурхонига чиқди”. Тошбақа истеъмол қилинса, катта кучга эга бўлинади, деган ишонч юзага келди. Тошбақага бўлган бундай муносабат унинг тимсолига салбий маъно юклади. Чунончи, сонг сулоласи давридан тошбақа тимсоли кўрқоқ одамларга нисбатан ишлатила бошлади: “人言君畏事, 欲作龟头缩” (одамлар сизни худди кўрқоқ тошбақадай калласини ичига киргизиб юради дейди). Минг сулоласи даврига келиб *тошбақа* сўзи халқ назаридан қолган, паст тушган одамларга нисбатан қўлланила бошланди. Жумладан, эри бўла туриб, бошқаси билан юрган аёлларга ёки фоҳишахона очган кишиларга нисбатан *тошбақа* сўзи ишлатиладиган бўлди.

Ўзбек лингвомаданиятида тошбақа секинлик рамзини ифодалайди: Отманг, жон ака! – Хусан тиз чўкди. Қорда *тошбақадай судралиб* келди-да, оёғини кучоклади (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Мазкур гапдаги *тошбақадай судралиб* ибораси “имилламоқ, судралмоқ” маъносини англатган.

Хулоса қилиб айтганда, инсонлар ўзаро мулоқотда муайян жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан фойдаланмасдан яшай олмайдилар. Инсонни ҳайвондан фарқловчи жиҳатлардан бири – унинг рамзлаштиришга бўлган эҳтиёжидир. Дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир. Рамзлар миллатнинг руҳини, менталитетини, дунёнинг ўзига хос акс эттиришини ифодалайди. Турли лингвомаданиятлардаги рамзларни ўрганиш халқ маданияти ва тафаккурини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

